

Илм ва уламолар фазли ҳақида



15:10 / 28.03.2019 5244

Б и р и н ч и б о б

Аллоҳ таоло:

«Албатта, Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларгина қўрқарлар», деган (Фотир сураси, 28-оят).

Аллоҳ таолонинг қудратини ҳис этиб, бу дунёнинг яратувчиси борлигини англаб етиб, ақл билан Аллоҳни таниган ва Ундан қўрққан одамгина олим ҳисобланади. Аммо мазкур махлуқотларнинг тарихи, тузилиши, таркибидаги моддалари, хусусиятлари ва бошқа турли маълумотларни тўлиқ ўрганиб ҳам уларни яратган зот – Аллоҳни танимаган ва Ундан қўрқмаган одам ўта жоҳил ҳисобланади.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Илм гапнинг кўплигида эмас. Илм кўрқининг кўплигидадир», деган эканлар.

Имом Ҳасан ал-Басрий: «Олим Аллоҳдан ғойибона кўрққан одамдир. Аллоҳ қизиқтирган нарсага қизиққан, Аллоҳ ёмон кўрган нарсадан қочган одамдир», дея туриб, «**Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларгина кўрқарлар**» оятини тиловат қилар эканлар.

Яна У зот:

«**Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлармиди?**» деган (Зумар сураси, 9-оят).

Албатта, тенг бўлмайдилар. Биладиганлар иймон келтириб, ибодат қиладилар. Билмайдиганлар куфр келтириб, исён этадилар.

У зот яна:

«**Ушбу мисолларни одамлар учун келтирурмиз, уларга олимлардан ўзгаларнинг ақли етмас**», деган (Анкабут сураси, 43-оят).

Шарҳ: Ушбу уч оятда илм ва уламоларнинг фазллари ҳақида сўз кетмоқда.

Биринчи оятда Аллоҳдан кўрқиб, Уни улуғлаш фақат илмли кишилар томонидангина содир бўлиши таъкидланмоқда.

Демак, илмсиз киши Аллоҳдан кўрқмайди ҳам, Уни улуғламайди ҳам. Тажриба бу қуръоний ҳақийқатни тасдиқлади. Турли илмлар бўйича мутахассис бўлган олимлар Аллоҳни танишларини, иймон-эътиқодсиз яшаш мумкин эмас, деган фикрга келганликларини қайта-қайта айтмоқдалар.

Иккинчи оятда биладиганлар билан билмайдиганлар, яъни илмилар билан илмсизлар тенг бўла олмасликлари ҳақида сўз кетмоқда. Илмли инсон доимо устун туриши ва фазилатли ҳисобланиши, илмсиз одамда эса бу нарсалар бўлмаслигига ишора қилинмоқда.

Учинчи оятда эса келтириладиган масалаларни англаб, улардан ўрнат олиш учун ҳам илм зарурлиги таъкидланмоқда. Бу ҳам илмни ва олимларни улуғлашдир.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан